

ҒАРБ ВА ШАРҚ МАДАНИЯТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ



Дилноза Хикматилла қизи АМИНОВА

докторант

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети

nozikdil@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Ғарб ва Шарқ маданиятларининг мазмун-моҳияти, уларнинг тараққиёт тенденциялари ўрганилган. Шунингдек, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ўзаро яқинлашуви ва узоқлашиши ҳамда ўзаро маданий таъсир муаммоси кўриб чиқилган. Шунингдек, Ғарб ва Шарқнинг типологик хусусиятлари, улар муносабатидаги муаммоларнинг комплекс методлари, Ғарб–Шарқнинг самарали мулоқот феномени масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маданият; мулоқот; Ғарб ва Шарқ; кадриятлар; ҳиссиёт; рационализм.

АНАЛИЗ ЗАПАДНОЙ И ВОСТОЧНОЙ КУЛЬТУР

Дилноза Хикматилла қизи АМИНОВА

докторант

Узбекский государственный университет

мировых языков

nozikdil@mail.ru

Аннотация

В этой статье анализируется сущность и содержание, а также тенденции развития западной и восточной культур. Кроме того, изучается их сходство и различие, их близость и отдаленность, проблема культурного взаимовлияния. А также, исследуются типологические особенности Запада и Востока, проблемы комплексных методов их взаимовлияния, феномен эффективного диалога Запад–Восток.

Ключевые слова: культура; диалог; Запад–Восток; ценности; эмоциональность; рационализм.

ANALYSIS OF WESTERN AND EASTERN CULTURE

Dilnoza Khikmatilla qizi AMINOVA

Scientific researcher

Uzbekistan State University of

World Languages

nozikdil@mail.ru

Abstract

The following article analyses the essence and substance, development tendencies of the Western and Eastern cultures. It also deals with the analyses of similarity and distinction, approach and distance, and also the problem of cultural influence of these cultures. Besides, the researcher investigate typological peculiarities of Western and Eastern culture, the problems of complex methods of their cultural influence and phenomenon of effective dialogue West–East.

Keywords: culture; dialogue; West–East couple; values; emotion; rationalization.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини Ғарб ва Шарқ, техноген цивилизация ва маданиятсизлик, диний бағрикенглик ва диний фанатизм, патриархал маданият ва феминизм, абсолютизм ва рационаллик ташкил этмоқда. Шунингдек, бир томондан, Интернет тармоғи билан бирга миллатлараро можароларнинг кескин авж олаётгани, иккинчи томондан эса Ғарбнинг АҚШ орқали Шарққа “тантанали юриши” ҳамда бутун дунёда ўсиб бораётган мусулмон маданияти ва Хитой экспансияси билан изоҳланмоқда (10).

Инсон ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ахборот технологияларининг тезлик билан ривожланиши ва ҳамма ерга кириб бориши шунга олиб келдики, ахборот ҳозирги вақтда мутлақ муайян қийматли салмоққа эга бўлиши мумкин, буни ундан фойдаланиб олинмаган фойда ҳам, ахборот ресурслари эгасига ёки фойдаланувчиларига ахборот билан ишлаш учун белгиланган қоидалар бузилган тақдирда етказиладиган зарар миқдори ҳам кўрсатади. Шунинг учун ахборот технологияларини ривожлантиришнинг муҳим муаммоларидан бири ахборотни ҳимоялаш ёки ахборот хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлашдир.

Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, ижтимоий, сиёсий, этник ва диний бағрикенглик ғоялари устувор.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон онги ҳамда қалби учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб етишга, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжихатлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид солувчи ғояларнинг олдини олиш зарур (11, 98–99).

Ҳозирги ахборотлашган даврда глобаллашув жараёни тобора кенгайиб, дунё мафкуравий манзарасининг янгича кўриниши ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда эса турли-туман ғоялар кураши ахборот хуружлари орқали тақдим этилиши

натijasида барча жамият ва давлатларнинг фуқаролари, айниқса ёшлар кушёр ва сергак бўлишлари ўта муҳим аҳамият касб этмокда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дунёнинг ранг-баранглигини ўзида бирлаштирувчи умуминсоний, универсал маданиятни шакллантириш масаласи пайдо бўлди. Бундай вазиятда Ғарб ва Шарқ жуфтлигининг намоён бўлиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ўзаро яқинлашуви ва узоклашуви, шунингдек, маданий ўзаро таъсир этиш муаммоси барчанинг эътиборини ҳамон тортмокда (6, 182).

Масалан, Ғарб масаласи бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган кўплаб олимлардан, М. Олброу, Я. Питере, А. Тойинби, О. Шпенглер, С. Хантингтон, М. Фезерстоун, Р. Фридман, Энтони Гиденс, Патрик Дж. Бьюкенен кабиларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, Ғарб ва Шарқ маданиятлари масаласи М. Вебер томонидан ҳам чуқур ўрганилганлиги диққатга сазовор. Ғарб ва Шарқнинг типологик хусусиятлари эса Р. Генон, А. Камю, Г. Гессе, К.Г. Юнг ва Буркхарт Титус кабилар томонидан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, рус олимлари Л. Гумилев, И. Бродский, Н.И. Конрад ва В.Н. Лосский ҳам ушбу масала билан шуғулланган. Улар кўпроқ “Ғарб ва Шарқ”нинг самарали мулоқот феноменини ўрганганлар. Б. Роуланд, Е.В. Завадская, М.А. Мамонова, В.М. Жирмунский, Г. Гачев, С.Г. Ларченко, Т.П. Григорьева, Э.С. Кульпин, Н.С. Николаева, Л.И. Ремпель, Е.Г. Хилтухина кабилар эса Ғарб ва Шарқ муносабатларидаги муаммоларнинг комплекс методларини тадқиқ этганлар.

Шарқшунос олимлар эса Шарқ халқларининг тарихи, маданияти, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон ва араб-мусулмон олами масалалари билан шуғулланганлар.

XIX асрда Яқин Шарқ цивилизациясининг қадимги қолдиқлари кашф этилиб, XX асрда Жанубий Ҳиндистоннинг энг қадимги цивилизацияси ўрганилган. Шу билан бирга, шарқшунос олимлар Г. Масперо, Эд. Мейер асарларида қадимги цивилизациялармаданий, диний ва сиёсий тарихининг тавсифига асосий эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир.

Тинчлик ва тенгҳуқуқли тараққиёт гарови сифатида маданиятларнинг ўзаро мулоқот ғояси илк марта М. Бахтин томонидан илгари сурилган. Ушбу ғоя мутафаккир ижодининг сўнгги палласида, О. Шпенглер асарлари таъсирида шаклланган. Немис маданиятшуноси наздида дунёвий маданиятлар “шахслар”ни англлатган бўлса, М. Бахтинуларни асрлар мобайнида бардавом, туганмас “мулоқот” эканлигини махсус таъкидлайди.

О. Шпенглер фикрича, маданиятларнинг алоҳидалиги бошқа ёт маданий феноменларни тушунмасликка олиб келиши муқаррар. М. Бахтин учун эса бир маданиятнинг бошқа маданият орқали кашф этилиши, уларнинг ўзаро мулоқот қилиши, ўзаро бир-бирини билиши ёки сингиб кетишига ҳеч нарса таъсир қилмайди (5, 172).

Биз ҳам М. Бахтин фикрига қўшилган ҳолда, бугунги ахборот ва коммуникация даврида барчанинг глобал медиа макондаги ўрни ва ролини ҳисобга олиб, маданиятларро мулоқот зарурати муҳимлигини таъкидлаймиз. Зеро, айнан маданиятларро мулоқот муайян халқларнинг ҳали кашф қилинмаган жиҳатлари, ўзига хос хусусиятларини аниқлашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда.

Инглиз ёзувчиси Р. Киплингнинг: “Ғарб – бу Ғарб, Шарқ – бу Шарқ. Улар ҳеч қачон бир жойда учрашмайди” деган сўзларига баъзилар қўшилса, бошқа олимлар Шарқ эндиликда европалашиб, Ғарб ҳам шарқий кадриятларга қизиқиш билдираётганини таъкидлайди.

“Шарқ маданияти” ва “Ғарб маданияти” шартли тушунчалар ҳисобланади. Мажозий маънода, одатда, Осиё деб тушунилувчи Шарқ, Европа ҳамда Шимолий Америка ҳисобланган Ғарб – ўз йўналишида, бир вақтда, паралелл, лекин ҳар хил тарзда ривожланаётган бир дарахтнинг икки шохи ҳисобланади (2, 23). Ҳеч бири бир-биридан ўзиб кетмайди. Уларда муайян ўхшашликлар бўлишига қарамай, фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд.

Шарқ маданияти – Хитой, Ҳиндистон, Япония, шунингдек, барқарорлиги, анъанавийлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турувчи бошқа Осиё мамлакатларининг маданияти ҳисобланади.

Ғарб маданияти эса – динамик ҳаёт тарзи, шиддатли тараққиётни намоён этувчи Европа ва Шимолий Америка давлатларининг маданиятидир (3, 124).

Россиялик олимлардан Д.С. Берестовская ҳам “Маданиятлар мулоқоти: Шарқ ва Ғарб” мақоласида: “Ғарб маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу ҳиссийликдан рационалликнинг ҳамда ақлнинг юракдан устунлиги билан ажралиб туриши орқали изоҳланади. Ғарб маданияти, шунингдек, ақл маданияти бўлиб, камон ўқи билан атрофдаги барча нарсаларни парчалаб, бўлақларга ажратади, сўнгра бўлинганларни бир бутун ҳолга бирлаштиради. Бундай ғарбона кишининг дунёга нисбатан муносабати “маданият” сўзининг хинд-европача талқини бўлган “бузиб ташлаш” ва “бўлақларга ажратиш” дан келиб чиққан”, деб изоҳлайди (1, 126–139).

Хитойлик тадқиқотчи Менди Ванг (Mendy Wang) эса бу борада шундай фикр билдиради: “Маълумки, Ғарб ва Шарқ маданиятлари ўртасидаги

фарқлар жуда кўп. Сабаби, Ғарб ва Шарқ жамияти нафақат турли дунёқараш, балки бир-биридан тубдан фарқ қилувчи йўллар асосида ҳам таълим оладилар. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ўша халқларнинг хулқ-атвори, ҳаёт ва муҳаббатга бўлган муносабати орқали намоён бўлади.

Буни мен Шарқ кишиларини Ғарб мамлакатларига саёҳат чоғидаги “маданият шоки” деб номланувчи тўқнашув сабабли деб ҳисоблайман:

Биринчидан, Шарқ ва Ғарб жамияти ҳаётга нисбатан турли муносабат билдиради. Шарқ кишилари табиий равишда бажаришлари лозим бўлган ишларни амалга оширадиган ва босқичма-босқич иш фаолиятини олиб борадиган вақтда яшайдилар. Шунингдек, улар ўз жадвалларини ўзгартиришни ҳамда уларнинг тартибини бузилишини хуш кўрмайдилар. Уларга қарама-қарши равишда ғарбликларбўшлиқда яшайдилар. Улар кўпроқ ўз орзулари ва нима қилишни исташларини рўёбга чиқаришни истайдилар. Баъзан улар шарқ кишилари каби прагматик ҳам эмас, лекин шу билан бирга, ўз ҳаётида буюк мақсадларга ҳам эришадилар.

Иккинчидан, Ғарб ва Шарқ кишилари ўз шахсиятида бутунлай катта фарқларга эга. Шарқ кишилари одатда пассив. Улар исёнкорликдан кўра кўпроқ итоаткор бўлишга ҳаракат қиладилар. Улар етакчи бўлиш қийин деб ўйлаб, катта мажбуриятларни ўз бўйниларига олишни ёмон кўрадилар.

Ғарбликлар эса бирор иш қилишдан аввал чуқур ўйлайдилар. Улар жуда меҳнаткаш ва ўта ўзига ишонувчан, етакчи бўлишни жуда хуш кўрадилар (7).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги глобал жараёнлар таъсирида Ғарбнинг Шарқ анъаналари ва кадриятларига қизиқиши янада ортаётгани ҳам кузатилмоқда.

Россиялик тадқиқотчи Н.Гутарева эса бу масалада қуйидагиларни келтиради: “Ғарб ва Шарқ маданиятларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу маданиятлар турли цивилизацияларга тааллуқли бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Турли тарих, яшаш тарзи, ишлаб-чиқариш ҳамда динлардаги тафовутлар янгича дунёқараш, менталитет ва маданиятнинг шаклланишига олиб келди. Тадқиқотчи ўз фикрини давом эттириб, Ғарб ва Шарқ маданиятларининг қиёсий таҳлилинини шундай изоҳлайди:

1. Шарқ маданиятига кўпроқ мустақам тарихий тараққиёт хос бўлса, Ғарб эса шахдам қадамлар билан илдамламоқда.

2. Ғарб маданияти динамик ҳаёт тарзи ва кадриятларнинг янги тизими билан характерланади.

3. Шарқ маданиятида турли динлар мураса қилса, Ғарб маданиятида христианлик устуворлик қилади.

4. Шарқ маданияти қадимги анъана ва удумларга асосланади. Ғарб маданияти кўпроқ кадриятларнинг бузилиши билан характерланади.

5. Ғарбга дунёни илмий, технологик, рационал, Шарқ учун иррационал билиш хосдир.

6. Ғарб кишиси табиатга айро бўлса, Шарқ кишиси табиат билан уйғундир (4, 49–51), деб қайд этади.

Яна бошқа рус тадқиқотчилари И.Д. Июдина ва О.В. Попкова “Маданиятларнинг ўзаро таъсири. Ғарб ва Шарқ” номли мақоласида Шарқ маданиятининг ривожланиш тарихини уч йўналишга ажратади:

1) Мақтовга сазовор – бошқарувда ақл-идрок намунаси сифатида танилган, шунингдек, яхшилик, маънавият ва маърифат ўлкаси бўлган Шарқ, хусусан, Хитой ҳисобланган.

2) Танқидий – Қадимги Миср, Қадимги Форс ва бошқа баъзи тажовузкор мамлакатларнинг тажовузкорлик, куллик ва ваҳшийлик руҳи.

3) Ислом – Ғарб устидан араб-мусулмон цивилизацияси ахлоқий меъёрларининг юксаклиги, шунингдек, аниқ фанлар бўлган алгебра, тригонометрия, сатрономия, география, химия, психология, тиббиёт ва бошқаларнинг тараққиёти билан изоҳланади.

Тадқиқотчилар бугунги умумэтироф этилган барча маданиятлар ва конфессияларни ҳурмат қилишга асосланган “маданий кўп фикрлик” ғоялари билан йўғрилган цивилизациявий ёндашув мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Чиндан, хитой тадқиқотчисининг Ғарб ва Шарқ кишилари ҳақидаги фикрларига қисман қўшилиб, ҳозирги глобаллашган ахборот даврида Шарқ кишиларининг тафаккури, ҳаёт тарзи, қарашлари анча тараққий этганини алоҳида қайд этиш лозим. Глобаллашув жараёнлари натижасида Шарқ мамлакатлари жамиятининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бу, ўз навбатида, Шарқ кишиларининг дунёқарашига ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказди.

Шарқ ва Ғарб жуфтлиги нафақат ғарблик ва шарқшунос олимлар, балки мамлакатимиз тадқиқотчи олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. Масалан, М. Хайруллаев, Ф. Сулаймонова, А. Хўжаев, Н. Комилов, М. Имомназаров каби олимлар тамаддунларининг ўзаро таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратган бўлсалар, С. Отамуродов, Н. Умарова, Б. Умаров, Ф. Мусаев, А. Раззоқов, Ш. Сирожиддинов, М. Холбеков ва И. Шодмонов Шарқ ва Ғарб маданияти муаммолари билан бирга, уларнинг бугунги кундаги инқирозий ҳолатларини ҳам ёритганлар.

Ғарб ўзининг Уйғониш даврида Шарқда эришилган илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланди. Аслида, Шарқнинг Ғарбга таъсири масаласи неча асрлардан буён тараққийпарвар зиёлилар томонидан ўрганилади. Таниқли олима Ф. Сулаймонованинг барча нурлар Шарқдан таралишини ифодаловчи “Шарқ ва Ғарб” номли монографиясида таҳлил этилганидек, “Ипак йўли” фақат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар воситаси эмас, айтини чоғда Европани маънавий уйғотган ҳаётбахш йўл ҳам бўлди. Яъни “Марказий Осиёда, хусусан Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Кеш, Термиз каби шаҳарларда ойлаб, йиллаб истиқомат қилган, ажнабий савдогарлар халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маънавиятига хос қирраларини ўрганиб, маъқул бўлганларини ўз юртларига бориб тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар” (8, 22–24).

Мавжуд адабиётлар таҳлилидан кўринадики, Буюк Ипак йўлида Шарқдан ўзлаштирилган илғор анъаналар ва қадриятлар Ғарбга қандай наф келтирганлигини умумлаштириб кўрсатишга мойиллик сезилмайди. Лекин Ғарбдаги ўз даврининг етук алломалари “Шарқ ва Ғарб сингиша олмайди, барча илмлар Ғарбда пайдо бўлган, шарқликлар расман илмий тафаккур қилишга қодир эмаслар” руҳидаги “европамарказчилик” ақидаси зарарли оқибатлар келтириб чиқаришини пайқашди ва тарихга холисона муносабатда бўлишди.

Чунончи, Г. Гердер, В. Гёте, А.С. Пушкин, Н. Чернишевский, Э. Ренон, И. Голдцихер, А. Мец, А. Крачковский, Н.И. Кондрад ва Е. Бертельс жаҳон маданияти тараққиётида Шарқнинг, хусусан, “Ипак йўли” минтақаларининг ўрни, интеграцияси хусусида илмий асосланган фикрларни билдиришди.

Эринбург (Шотландия) университетининг профессори Уолт Монтгомэри Уоот ҳам одилона фикр юритиб, “Шарқ, Ғарбий Европа билан нафақат ўзининг моддий маданияти ва техникавий кашфиётларда эришган ютуқларини баҳам кўрди, у нафақат Европада илм-фан ва фалсафа тараққиётига рағбат берди, балки Европанинг ўзини ўзи ҳақида янги тафаккур яратишига олиб келди, дейди (9).

Профессор Уолт Монтгомэри Уоотнинг фикрларини қўллаган ҳолда айтиш мумкинки, Шарқ маданияти ўзининг бетакрорлиги, нафислиги ва жозибadorлиги билан бирга, ҳозирги глобаллашув жараёнлари таъсирида янги кўриниш ва ракурсда намоён бўлмоқда. Натижада дунёнинг турли тадқиқотчи олимлари унинг ушбу янги жиҳатларини ўз илмий тадқиқот ишларида тадқиқ ва таҳлил қилмоқдалар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ғарб ва Шарқ маданиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳар бир маданият ўзига хос хусусият ва фарқли жиҳатларга эга.

Иккинчидан, Ғарб ва Шарқ мулоқоти Ғарб ва Шарқ олимлари, рус ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар томонидан турли ракурсларда тадқиқ этилган.

Учинчидан, Ғарб ва Шарқ маданиятларининг қиёсий таҳлилига кўра, ушбу маданиятлар турли цивилизацияларга тааллуқли бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Турли тарих, яшаш тарзи, ишлаб-чиқариш ҳамда динлардаги тафовутлар янгича дунёқараш, менталитет ва маданиятнинг шаклланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Берестовская Д.С. Диалог культур: Восток и Запад / Д.С.Берестовская // Мыслители XX века о культуре. – Симферополь: ИТ «АРИАЛ», 2010. – С.126–139.
2. Булдакова Е.И. «Буферно-синергийные зоны» в пространстве межкультурной коммуникации: Автореф. дисс..... канд. филос. наук / Е. И. Булдакова. – Ростов н / Д, 2008. – 23 с.
3. Быстрова, А. Н. Мировая культура. (Основы мирового общества): уч.пособие.– Новосибирск, 2002. – 124 с.
4. Гутарева Н.Ю. Межкультурная коммуникация и способы ее развития. Сборник материалов международной научно-практической конференции «Современные научные исследования представителей филологических наук и их влияние на развитие языка и литературы». – Львов, 2013. – С. 49–51.
5. Культурология: Учебник / Под ред. Ю.Н.Солонина., М.С.Когана. – М.: Высшее образование, 2007. – 172 с.
6. Леонтьева Е.И. Взаимопроникновение культур Запада и Востока в контексте формирования универсальной культуры // Серия “Symposium”, Конференция «Путь Востока», Межкультурная коммуникация., Выпуск 30 / Материалы VI Молодежной научной конференции по проблемам философии, религии, культуры Востока. Санкт-Петербург: Санкт-Петербургское философское общество, 2003. С.182–183.
7. Mendy Wang. Eastern vs. Western Culture. Mosaic. June 2007// www.fcu.edu.tw/wSite/publicfile/Attachment/f1279678092949.pdf
8. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Тошкент: Фан, 1998; Инсон борлиқнинг гултожи, шарафи // Соғлом авлод учун. – Т.,1998. – №10– 11. – Б. 22–24.
9. Шарқ ва Ғарб – ТТА Urganch filiali. 19.06.2016 URL: http://www.urgfiltma.uz/manaviy/milliy_goya.html
10. Шелковая Н.В. Культуры Запада и Востока// http://shelkovaya.ucoz.ru/publ/obshij_spisok_publicacij/soderzhanie_statej/kultury_zapada_i_vostoka/3-1-0-39
11. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истикболи. Кўлланма. – Т.: Akademiya, 2010. – Б. 98–99.